

А Ж Р И М

(Ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2022 йил август ойининг 05 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг очиқ, сайёр суд мажлиси Ургут туман электр тармоқлари корхонаси биносига бўлиб, суд раиси Ф.Худайбердиевнинг раислигида, судья ёрдамчиси П.Рахмоновнинг котиблигида, Ургут туман прокурорининг катта ёрдамчиси У.Фармонов, гумон қилинувчи С.Мухиддинов ва унинг ҳимоячиси Самарқанд шаҳридаги “Боғишаол ҳақиқати” адвокатлар ҳайъати адвокати А.Бекмухаммедов, фуқаровий даъвогар Б.Абдурахмоновларнинг иштирокида,

Мухиддинов Сирожиддин Муслихиддинович (Muxiddinov Sirojiddin Muslixiddinovich) – 1971 йил 31 июль куни Самарқанд вилояти, Ургут туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилалик, 4 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, “Samarī Qutbiy shirin shakar bogi” фермер хўжалиги раиси бўлиб ишлайди, Самарқанд вилояти, Ургут тумани, “Мерганча” маҳалласи, “Қ.Мухиддинов” кўчаси, 20-уйда яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси қўлланилмаган, руҳан соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 185²-моддаси 4-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-1416-2201/252-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни,-

А Н И Қ Л А Д И :

Гумон қилинувчи Мухиддинов Сирожиддин Муслихиддинович – “Samarī Qutbiy shirin shakar bogi” фермер хўжалиги раҳбари бўлиб ишлаб келиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 22-сонли Қарори ижроси юзасидан Ургут туман электр тармоқлари корхонаси ходимлари томонидан 03.02.2022 йилда ўтказилган урганиш жараёнида туманнинг “Алгар” МФЙда жойлашган электр насос станциясида электр ҳисоблагичсиз қуввати 250 кВт.лик сув насоси ва 1 дона лампочка орқали электр тармоғига тўғридан тўғри ўзбошимчалик билан уланиб, ноқонуний равишда фойдаланиб келганлиги аниқланган.

“Ўзэнергоинспекция” Самарқанд вилоят ҳудудий бўлимининг қайта ҳисоб-китоб хулосасига кўра, “Samarī Qutbiy shirin shakar bogi” фермер хўжалиги томонидан электр энергияси тармоқларига



ўзбошимчалик билан уланиб, ноқонуний равишда фойдаланиб келинганлиги натижасида туман ЭТК манфаатларига 156.600.000 сўм миқдорида моддий зарар етказилганлиги кўрсатилган.

Судга гумон қилинувчи С.Мухиддинов ва фуқаровий даъвогар Б.Абдурахмоновлар ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Гумон қилинувчи С.Мухиддинов сайёр суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, фуқаровий даъвогарга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда фуқаровий даъвогар билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогар Б.Абдурахмонов сайёр суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, С.Мухиддиновга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 185²-моддаси 4-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроор бўлса, фуқаровий даъвогар билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, фуқаровий даъвогар Б.Абдурахмоновни ҳамда гумон қилинувчи С.Мухиддиновнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан биргаликда ўрганиб, Ургут туман прокурорининг катта ёрдамчиси У.Фармонов, гумон қилинувчи С.Мухиддиновнинг ҳимоячиси адвокат А.Бекмухаммедовнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, муқаддам судланмаганлиги, айбига ихтиёрий иқроорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, фуқаровий даъвогарга ва гумон қилинувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи ва фуқаровий даъвогарни хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 185²-моддаси 4-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, С.Мухиддиновга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлиги муносабати билан тугатишни, қўлланилган эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд фуқаровий даъвогар Абдурахмонов Бекзод Файзиевичга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг унга



мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И

Гумон қилинувчи Мухиддинов Сирожиддин Муслихиддинович (Muxiddinov Sirojiddin Muslixiddinovich)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 185²-моддаси 4-қисми билан юритилган жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Фуқаровий даъвогар Абдурахмонов Бекзод Файзиевичга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан йигирма сутка ичида Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

Ф.Ф.Худайбердиев

